O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KONIMEX TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
КАНИМЕХСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Konimex tumani, Konimex sh, Abay, 13 Канимехский район, пгт.Канимех, ул.Абая,13

2019 y.(г.) "21" май № К-512

Туман худудидаги хўжаликлараро ва ички канал ҳамда зовурлар сувини муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларини белгилаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек,ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий – соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақида "ги Низомга мувофиқ туман худудидаги каналлар, зовурлар ва бошқа сув иншоотларини бир маромда ишлашини таъминлаш, уларни сув ўтказиш қобилиятини сақлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман худудидаги барча хўжаликлараро каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини қирғоқдан 15 метр, хўжаликлараро зовурлар учун 12 метр, хўжалик ички зовурлари учун 7 метр қилиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро каналлар ва зовурлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш, сув манбаларини санитария муҳофазасини ҳисобга олиб, ифлослантирувчи нарсалар, ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар ташлаш, заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари, хожатхоналар ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилади.

3. Зарур ҳолларда сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида дарахт экишга рухсат берилади.

4. Хўжаликлараро ва хўжалик ички зовурлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан зовурлар бир

меъёрда ишлашига зарар етказилмаган ҳолда мавсумий экинлар экишга рухсат берилади.

5. Ушбу қарорни бажарилишини туман сув хўжалиги, мелиорация, санитария эпидемиология станцияси идоралари раҳбарлари жойлардаги маҳалла фуқоралар йиғинлари раислари ва ички ишлар бўлими участка нозирлари томонидан доимий назорат қилиб туриш таъминлансин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **М.Эгамқулов**